

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭХСОНОВА ФЕРУЗА ТУРДИХУЖАЕВНА

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on pedagogical sciences**

Эхсонова Ферузахон Турдихужаевна

Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш..... 3

Эхсонова Ферузахон Турдихужаевна

Совершенствование педагогического механизма развития творческих способностей младших школьников..... 25

Exsonova Feruzaxon Turdixujaevna

Improving the pedagogical mechanism of developing creativity in primary school students..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭХСОНОВА ФЕРУЗА ТУРДИХУЖАЕВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped312 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муслимов Нарзилла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Аскарова Ўғилой Мамашакировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Кўкон давлат педагогика институти

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "22" декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2020 йил "09" декабрь куни тарқатилди. (2020 йил "09" декабрь даги 3 рақамли реестр баённомаси).



С.Т.Тургунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.И.Солиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Т.А.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўқувчиларда ҳамкорлик қобилиятлари ва билишга қизиқишни шакллантириш”¹ долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Шахсда креативликни шакллантириш бошланғич синфдан оқ таълимнинг интерфаол технологиялари орқали интеллектни ривожлантиришга имкон берадиган янгича фикрлаш маданиятини таркиб топтиришни тақозо этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни мақсадга йўналтирилган ва тизимли ривожлантириш умумтаълимий компетенцияларни таркиб топтириш, таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Дунёда болалар иқтидори, креативлик, креатив қобилиятларни ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчилари креативликнинг таркибий асосларини белгилаш, мотивацион, ижтимоий-маданий ёндашувларнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш омилларини таъсирини баҳолаш, креативликка асосланган таълимий фаолиятни ташкил этишнинг методик тизимини такомиллаштириш, креативликка асосланган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда. Бошланғич таълимга бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талабларига мос равишда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва гендер хусусиятларини аниқлаштириш долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда умумтаълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдаги кенг қамровли ислохотлар натижасида бошланғич таълимда сифатли таълим хизматлари самарадорлигини ошириш, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришни таъминловчи имкониятлар салмоғи кенгайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб қувватлаш ва рўёбга чиқаришга шароитлар яратиш”² каби вазифалар белгилаб берилди. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, креатив фаолликни таъминлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). – P.6.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимларидан Б.Адилов, Н.Азизходжаева, А.Арипджанова, Ш.Болтаева, Н.Дилова, Г.Ибрагимова, Д.Муродова, З.Нишонова, Д.Яқубжанова, Ш.С.Шарипов, Э.Ғозиевлар бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари, ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик-психологик механизмлари, ўқитувчиларнинг креатив салоҳиятини ривожлантириш, креатив таълим технологияларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан И.Борзенкова, Л.Выготский, Г.Гаврилова, Р.Гарифуллин, М.Дуженко, Е.Ильин, А.Морозов, Е.Николаева, С.Осипенко, Б.Пашнев, Л.Субботина, Е.Туник, С.Турчаклар микромуҳит таъсири орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари, болалик даврида хаёл ва ижоднинг ўрни, дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, креативлик ва санъат психологияси, ижодий уюшмаларда бошланғич синф ўқувчиларининг креативлигини ривожлантириш динамикаси бўйича илмий изланишларни амалга оширишган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан Э.Боно, Дж.Гилфорд, П.Лафренье, М.Люшер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Стернберг, Е.Торренс, Ф.Шепардлар томонидан креативликнинг фалсафий ва психологик хусусиятлари, креативликнинг ривожланганлигини ташхис этиш ва коррекциялаш, интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик масалалари ўрганилган.

Бироқ бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришга доир ёндашувларнинг комплекс таҳлил этилмаганлиги, ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг гендер билан боғлиқ омилларининг ўрганилмаганлиги, бошланғич таълимда мақбул креатив муҳитни яратишга йўналтирилган педагогик моделнинг ишлаб чиқилмаганлиги, бошланғич синф

Ўқитувчиларини креатив фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш эҳтиёжи мазкур йўналишда илмий изланиш олиб бориш зарурлигини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-1-141 “Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-ишлаб чиқариш тизимида миллий-анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш орқали креативликнинг тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларини асослаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёнининг коррекцион механизмларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг 42 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 484 нафар бошланғич синф ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг мазмуни, омиллари ва механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантириш тузилмасининг мотивацион-қадриятга йўналтирилган, фаолиятга доир, ижодий компонентлари фикрнинг эластиклиги ва тасаввурнинг бойлигини таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик жараённинг қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш моделининг ташкилий компоненти ижодий топшириқлар орқали ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштириш, ҳамкорлик, бадиий маданиятга қизиқтириш, маданият билан уйғунлик тамойиллари билан ижтимоий маданий омилларнинг интенсив таъсири идентивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни мазмуни ёш ва гендер хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ахборотларни ижодий қайта ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаб берувчи коррекцион таъсир механизмларини (креатив муҳит, тўсиқларни бартараф этиш) дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллаш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг дидактик таъминоти интерфаол (синектика методи, морфологик таҳлил методи, гуруҳий мунозара, ақлий ҳужум ва унинг турлари ва ҳ.к.), ижодий топшириқлар, ўйинли (ишбоп, ролли ва имитацион) технологияларни артефакт-педагогика билан горизонтал ва вертикал уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида креативликнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

“Педагогика” номли изоҳли луғат (ўқув қўлланма) нашр эттирилган;

креативликка асосланган топшириқлар мажмуи ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

санъат педагогикаси асосида ўқувчиларда креативликни ривожлантиришнинг самарали йўллари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, коммуникатив фаолиятни ташкил этишга доир иш тажрибаларга асосланганлиги, тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи методларнинг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш” тушунчасининг мазмун-моҳиятининг очиб

берилганлиги, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг креативлиги тузилмаси ва компонентларининг белгилаб берилганлиги, ижод, креативлик ва креатив қобилиятларни ўрганишга доир ёндашувлар ва омилларнинг таҳлил этилганлиги, бошланғич таълимда креатив муҳитни яратишнинг назарий жиҳатлари, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг гендер хусусиятларининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бошланғич таълим фанлар бўйича миллий ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқитувчилар учун ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда бошланғич синф ўқувчиларида санъат педагогикаси асосида креативликни ривожлантириш модели, мезонлари, кўрсаткичлари, ишлаб чиқилган ўқитувчиларни креатив фаолиятга тайёрлаш технологияси, дидактик таъминоти ҳамда интерфаол дарс ишланмаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантириш тузилмаси, мотивацион-кадриятга йўналтирилган, фаолиятга доир, ижодий компонентлари, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш моделининг таркибий асосларини аниқлаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2133-сон Қарори IV бўлимининг 71-банди билан тасдиқланган мумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари учун “Ўқиш” ва “Она тили” (1-4 синфлар) номли методик қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 4 октябрдаги 01-11-01/01-2229-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш жараёнини оптималлаштиришга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёнини ёш ва гендер хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда юқори суръатда ўзлаштиришни таъминлаб берувчи коррекцион таъсир механизмларини интенсификация қўллаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ҚХ-1-95207. “Замонавий дарсликларда концентризм тамойили асосида тақдим этиладиган ўқув материалларини танлаш ва лойиҳалаш” (2012-2014 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2598-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришда дарс ва дарсдан ташқари фаолият уйғунлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини интерфаол, ижодий топшириқлар, ўйинли технологияларни артефакт-педагогика билан уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан ПЗ-2014-

0903160552. “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2598-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга доир технологияларни қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда креативликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқувчиларда креативликни ривожлантиришнинг долзарб педагогик муаммо эканлиги, ўқувчиларда креативликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва гендер хусусиятлари, муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Креативлик (лотинча “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

Мазкур тушунчани кўплаб нуқтаи назарларга асосланган талқинлари мавжуд. Фалсафада креативлик деганда “бирор янги нарсани яратиш ёки қандайдир усуллар асосида янгиликни амалга ошириш: муаммони ҳал

етишнинг янги ечимлари, янги метод ёки восита, янги санъат асари”. Бизнинг тадқиқотимизда санъатнинг (адабиёт, мусиқа) моҳиятини тадқиқ этувчи, санъатнинг маданиятни шакллантириш ва барча фаолият соҳаларига доир вазифаларини ҳисобга олувчи санъат фалсафаси алоҳида аҳамият касб этади.

Психологик нуқтаи назардан креативлик кўпроқ ижодга умумий қобилиятлилиқ билан алоқадорлиқда талқин қилинади. Ҳозирда мазкур атама асл ечимларни излаб топиш, ностандарт ҳаракатларни амалга оширишга тайёрлик маъносини ифода этади. Психологияда креативлик деганда “янги ғоя, ечим, методлар, назариялар ёки қандайдир фаолиятнинг янги маҳсулини ишлаб чиқиш” тушунилади.

Илмий изланишлар жараёнида креативликнинг тавсифи, ижодкорликнинг назарий асослари ва ижодкор шахсни ривожлантириш масалалари бўйича хорижий ва республикамиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлиги аниқланди. Жумладан, З.Нишонова ўқувчиларда мустақил-ижодий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан креативликни дивергент ва конвергент тафаккур билан боғлиқликда талқин этган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан М.А.Холоднаев ҳам креативлик деганда “инсоннинг продуктив фикрлаш ва эркин тарзда кўплаб қизиқарли ғояларни илгари суришига тайёрлигини белгилаб берувчи дивергент фикрлаш”ни тушунади. Д.Б.Богоявленская креативликни “жадал аклий фаолиятга синоним сифатида интеллектуал фаоллик” билан боғлиқликда талқин қилган.

Хориж олимларидан П.Торренс фикрича, креативлик: муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

Педагогик-психологик нуқтаи назардан биз, креативлик тушунчасига қуйидагича изоҳ бердик: “креативлик – шахс ва жамият қизиқишлари билан боғлиқликда ўзгарувчан ижтимоий-маданий шарт-шароитлар доирасига тааллуқли вазифаларни ҳал этишда инсоннинг конструктив ва оригинал фикрлашга тайёрлигидир”.

Педагогикада креативлик деганда инсоннинг “ижодга қобилиятлилиги” тушунилади ва интеллектнинг ривожланиш даражаси билан алоқадорлиқда таҳлил қилинади. Жумладан, А.Арифжанова олий таълим муассасалари педагоглари таркибининг креатив салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқликда креативлик тушунчасининг моҳиятини қуйидаги тарзда баён этган: “мақбул имкониятларни сафарбар этиш орқали, шахсни муаммони қабул қилиш, янги, ноодатий маҳсулни яратиш қобилияти”. Г.Ибрагимованинг фикрича, креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади.

Креатив педагогика ёки креативликка асосланган педагогика деганда исталган ўқув фани доирасида қўллаш мумкин бўлган ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик билимлар соҳаси тушунилади.

Тадқиқот объекти билан боғлиқликда “бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш” деганда “ўқувчиларни турли ўқув топшириқларини бажариши, вазиятларни ҳал этишда ноодатий ёндашувни таркиб топтириш, янги ғоя ва нуқтаи назарларни эркин ифода этиш, фикрнинг эгилувчанлиги ва тасаввурнинг бойлигини таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик жараён” тушунилади, деган хулосага келинди.

Креативликнинг психологик-педагогик асосларини талқин этувчи концептуал ёндашувлар мазмунини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, креативликни ўрганиш мураккаб масала ҳисобланиб, интеллектуал, шахсий, мотивацион соҳаларни ўз ичига қамраб олувчи интеграл воқелик (Т.М.Амбайл, Д.Б.Богоявленская, Е.П.Торренс, К.Урбан, Н.В.Хазратова, З.Т.Нишонова), ижтимоий (Д.Воллас, Х.Груббер, Ж.Накамура, В.Каримова) ва эмоционал (Ф.Зенасни, Т.Любарт, К.Муширу, С.Торджман, Д.Собирова) жиҳатларни ўзида акс эттиради (1-жадвалга қаранг).


1-жадвал

Ижод, креативлик ва креатив қобилиятларни ўрганишга доир ёндашувлар таҳлили

Ёндашув	Ўзига хосликлари	Имкониятлари	Камчиликлари
Психометрик (Ж.Гилфорд, Е.Торренс, К.Урбан ва бошқалар)	Ижодий салоҳият генетиклик билан алоқадорликда аниқлаштирилган ва стандарт тестлар билан ўлчанган	Креатив қобилиятлар диагностикаси	Фақат ижодий фикрлаш ташхис этилган, креативликнинг бошқа таркибий асослари тестда ҳисобга олинмаган
Жараёнли-фаолиятли (З.Нишонова, Е.Вард, В.Давыдов ва бошқалар)	Ижод – ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган фаолият: мақсад мотивлар билан мос келади. Асосини ижодий фаоллик ташкил этади	Ижодий жараён ва натижасини ўрганиш; ижодкор шахс фаолият субъекти сифатида намоён бўлади	“Ижодий қобилият” тушунчаси изоҳловчи тавсифдаги тамойил сифатида талқин қилинади, ижод механизми кенг ўрганилмаган
Ижтимоий-маданий (Д.Воллас, Л.Вьготский, Х. Груббер ва бошқалар)	Маданият – креативликнинг ягона детерминанти. Ижтимоий-маданий муҳит креативликни ривожлантириш нуқтаи назаридан талқин қилинган	Креативлик ижтимоий алоқалар, атроф-муҳит билан ўзаро ҳаракат орқали ўрганилади	Турли ижтимоий-маданий омилларнинг таъсири ижодий қобилиятларни баҳолаш мезони сифатида талқин қилинган
Шахсий-мотивацион (Т.Амбайл, А.Маслоу ва бошқалар.)	Шахсий ўсиш мотивацияси, ўз-ўзини намоён этиш – ижоднинг асоси.	Шахсни чуқур ўрганиш, ўз-ўзини намоён этишга алоҳида урғу бериш, ички ижодий мотивация	Атроф-муҳит ва ижодкорликни ривожлантириш механизминини ҳисобга олмасдан ижодкор шахсига катта эътибор қаратади

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчилари креативлигининг таркибий қисмлари турлича талқин қилиниши ва мазкур муаммога доир ягона нуқтаи назарнинг мавжуд эмаслиги қайд этиб ўтилган. Креативликнинг таркибий асосларини талқин қилишга доир бир нечта вариантлар кўриб чиқилган ва муаллифлик нуқтаи назаридан креативлик тузилмаси тақдим этилган (1-расмга қаранг). Креативлик тузилмасига доир Ж.Гилфорд – Е.П.Торренс,

А.Н.Лука (креативликнинг когнитив жиҳати ижодий фикрлашга таянади), шунингдек, Е.Е.Туник, В.А.Моляко ва Д.Лефбрижларнинг (когнитив-аффеktivликка асосланади ва мазмунан шахсий ва хулқ-атвор компонентларидан иборат) қарашлари кенг тарқалганлиги аниқлаштирилган.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш тузилмаси


Таҳлил натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг креативлигини объектив ўрганиш учун қуйидаги таркибий қисмлар мавжуд бўлиши лозимлиги белгиланди: когнитив-креатив (креатив фикрлаш ва тасаввур), мотивацион-шахсий (билишга эҳтиёж, мустақиллик ва танқидийлик), эмоционал (экспрессивлик) ва фаолиятга доир (ижодий фаоллик, қатъийлик ва тиришқоқлик).

Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш тузилмаси кўплаб компонентлардан иборат динамик тизими сифатида талқин қилинди. Мазкур тизим ўқув фаолияти жараёнида ривожланиб, қайта ташкилланиб боради. Ҳар бир таркибий қисм уларнинг ўзаро алоқадорлигини очиқ беришга хизмат қилувчи ўзининг мазмунига эга. Шунингдек, мазкур тузилма бошланғич синф ўқувчиларида креативликни

ривожлантиришга креатив муҳит ва психологик-педагогик ҳамкорлик катта таъсир кўрсатишини ҳам кўрсатиб беради. Креатив муҳит ўзида ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи микро, макро ва мегоомилларни акс эттиради. Яъни, ўқувчиларнинг креативлигига ота-оналар, ўқитувчилар, дўстлар, синф, мактаб ва у яшайдиган маҳалла таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда педагогика фанида эришилаётган энг муҳим ютуқлардан бири гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятларининг очилаётганлигидир. Болаларда гендер ўхшашлик 5-7 ёшда намоён бўлади. Мутахассислар, айниқса, ўқув дастурлари ва адабиётларнинг муаллифлари бунни албатта ҳисобга олишлари лозим. Таълимда гендер тенглик тамойилларининг ўйин машғулотлари ва эркин фаолият кўрсатиш муҳитида амалга оширилиши таъминланади. Таҳлиллар асосида ўқувчиларда креативликни ривожлантиришда гендер ёндашувни татбиқ этишнинг куйидаги ўзига хосликлари аниқлаштирилди: демократлик; табиат билан уйғунлик; вақт меъёрларига риоя қилиш.

Бошланғич синф ўқувчилари креативлигининг тузилмасига асосан, ўғил ва қиз болаларда креативликни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинди (2-расмга қаранг). Тадқиқот натижалари креативликнинг эмоционал ва мотивацион-шахсий компонентлари қиз болаларда кўпроқ намоён бўлишини кўрсатди.



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг гендер хусусиятлари

Диссертациянинг “Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларда креативликни ривожлантириш модели,

Ўқитувчиларни ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга тайёрлаш, креативликни ривожлантириш босқичлари ва дидактик таъминоти ёритиб берилган.

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

Асословчи босқичда бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш тузилмасининг тўрт таркибий аниқлаштирилган эди, моделни ишлаб чиқиш жараёнида улар учта компонентга бирлаштирилди: мотивацион-эмоционал (билишга эҳтиёж, мустақиллик ва танқидийлик, экспрессивлик, эмоционал сезгирлик, таъсирчанлик); когнитив-фаолиятга доир (тасаввур, ижодий фаоллик, қатъийлик ва жасурлик); креатив (креативлик, ижодий фикрлаш);

“Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш сирлари” дастурида ўқувчиларда санъатга қизиқишни шакллантиришга имкон берувчи дидактик ўйинлар ва машқлар тизими таклиф этилган. Санъат воситасида бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришга доир мазкур дастур қуйидаги педагогик шарт-шароитларга асосланади: ўқитувчиларни ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга тайёрлаш; креатив муҳитни яратиш; ўқувчини фаолият субъекти сифатида қабул қилиш.

Дастурда таълимни ташкил этиш шакли сифатида интеграллашган дарс белгиланган. Мазкур дарснинг ўзига хослиги бошланғич синф фанларини санъат воситасида ўрганиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жамоавий ижодий иши, ижодий фаолиятнинг турли шакллантирини амалга оширишга доир ўзаро биргаликдаги ҳаракат.

Дастурда бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш санъат педагогикасининг махсус методлари орқали амалга оширилади: “ақлий ҳужум”, санъат ҳақида ўйлар, импровизация, эмоционал драматургия, ассоциация, муסיқий умумлаштириш. Санъат педагогикаси воситалари сифатида махсус жихозлар (болалар муסיқа асбоблари), проекцион (фильмлар ва клиплар), муסיқий сайланма танлаб олинди.

Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг мотивацион-эмоционал, когнитив-фаолиятга доир, креатив компонентлари бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Мотивацион-эмоционал компонент “Ўйлар” методикасининг адаптив вариантини ишлаб чиқиш орқали ташхис этилди. Мезон сифатида қизиқиш, фаолиятга эмоционал-қадриятли муносабат белгиланди. Когнитив-фаолиятга доир компонентга оид фикрнинг тезлиги, образларнинг “ишлаб чиқилганлиги” мезонларини текшириш учун Е.Торренснинг “Новербал батарея” методикасидан фойдаланилди.

МАҚСАД: бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш

МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР:

тизимли, фаолиятга доир, шахсга йўналтирилган, маданиятшунослик

ТАМОЙИЛЛАРИ:

ўқув-тарбия жараёнининг яхлитлиги, тизимлилик ва кетма-кетлик, лойиҳалар ва ижодий топшириқлар орқали билиш фаоллигини ошириш, ҳамкорлик, қизиқувчанлик, эмоционал-қадриятли муносабат, бадиий маданиятни англашга ижобий мотивация

КРЕАТИВЛИК ТУЗИЛМАСИ КОМПОНЕНТЛАРИ:

мотивацион-эмоционал (билишга эҳтиёж, мустақиллик ва танқидийлик, экспрессивлик, эмоционал сезгирлик, таъсирчанлик);
когнитив-фаолиятга доир (тасаввур, ижодий фаоллик, қатъийлик ва жасурлик);
креатив (креативлик, ижодий фикрлаш);

КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ:

- 1) мусика, бадиий адабиёт ва тасвирий санъатга эмоционал-қадриятли муносабатни шакллантириш;
- 2) ижодий фаолиятни ўзлаштириш орқали ўз-ўзини намоён этиш усулларини очиб бериш;
- 3) санъат педагогикаси воситасида креативликни ривожлантириш

“Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш сирлари” дастури

ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАР:

- 1) ўқитувчиларни ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга тайёрлаш;
- 2) креатив муҳитни яратиш;
- 3) ўқувчини фаолият субъекти сифатида қабул қилиш

Таълимни ташкил этиш шакли: интеграллашган дарс

Интеграллашган дарснинг ўзига хосликлари: санъат воситасида билимларни ўзлаштириш; компетенцияларни шакллантириш

Махсус методлари: “ақлий ҳужум”, санъат ҳақида ўйлар, импровизация, эмоционал драматургия, ассосация, мусикий умумлаштириш

Воситалари: махсус жиҳозлар (болалар мусика асбоблари), проекцион (фильмлар ва клиплар), мусикий сайланма

НАТИЖАВИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

қизиқиш, фаолиятга эмоционал-қадриятли муносабат

Фикрлаш тезлиги ва образларнинг ишлаб чиқилганлиги


ассоциативлик ва оригиналлик

КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИ: юқори, ўрта ва қуйи

3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш модели

Тадқиқот натижалари ўқитувчилар ўқувчиларни креатив фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда қуйидаги технологик босқичларга асосланиш лозимлигини кўрсатди: мотивацияни фаоллаштириш; ижодий муҳитни яратиш; ижодий тавсифдаги ўқув-касбий вазифаларни қўллашда табақалаштирилган ёндашувга асосланиш; рефлексия; техник ва методик таъминотни яратиш; тайёрлов босқичларида креатив салоҳиятни ривожлантиришнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш назарда тутилган.

Тадқиқот натижалари асосида ўқитувчиларни креатив фаолиятни ташкил этишга тайёрлашни уч (мослашувли-йўналтирувчи, таянч, креатив-продуктив) босқичда амалга ошириш лозим, деган хулосага келинди (4-расмга қаранг).




4-расм. Бошланғич синф ўқитувчиларини креатив фаолиятга тайёрлаш технологияси

Ўқитувчиларни креатив фаолиятга тайёрлашнинг иккинчи – таянч босқичи ўқитувчида фаолиятга ижодий йўналганлик, креатив саводхонлик, ижодий кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришда ўз ифодасини топади. Мазкур босқичда ўқитувчилар томонидан креатив фаолиятга қўйиладиган қуйидаги талаблар ўзлаштирилиши лозим: ўқувчининг индивидуал ўзига хосликларини аниқлаштириш; индивидуал иш режаси асосида машғулотларни ташкил этиш (тьюторлик); кичик гуруҳларни шакллантириш ва ишини ташкил этиш (фасилитаторлик); ўқувчига индивидуал ёрдам кўрсатиш (менторлик); лидерлик сифатларини шакллантириш; ижодкорликка йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш (эдвайзерлик); “эркин иштирок этиш” туридаги машғулотларни ташкил этиш; ота-оналар билан ишлаш; ўқувчилар ўртасида шахслараро муносабатларни шакллантириш ва ҳ.к.

Шунингдек, мазкур босқич ўқитувчининг умумқасбий ва креатив фаолиятга йўналтирилган креатив сифатларни ўзлаштириш, диагностик натижалар асосида ўзининг касбий ривожлантириш йўналишларини аниқлаш қабиларни ўзлаштиришни кўзда тутди. Айнан ушбу босқичда ўқитувчида ўз-ўзини намоён этиш ва ўз-ўзини ривожлантириш намоён бўлиши кузатилади.

Ўқитувчиларда ўқувчилар билан ишлашнинг учинчи – креатив-продуктив босқичи мазкур жараёни амалга оширишга доир барқарор мотивларни қарор топтириш, ўқув-қасбий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган креатив саводхонлик, креатив кўникма ва қобилиятларни мақсадга йўналтирилган тарзда қўллаш ва фаоллаштириш билан тавсифланади.

Мазкур педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш учун ўқувчиларнинг креатив фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги механизми таклиф этилди (5-расмга қаранг).



5-расм. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг креатив фаолиятини ташкил этиш механизми

Мақсадга мувофиқ ёндашув деганда ўқув-билув жараёни ёки таълим мазмуни, метод ва шакллари тизимининг ижодий фаолиятни ривожлантиришга доир мақсадли йўналтирилган махсус ташкил этилган тузилмаси тушунилади.

Педагогиканинг асосий вазифаларидан бири барча болаларнинг креатив фаолияти ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бир қаторда муайян соҳаларда чуқур қизиқишларини, интилиши ва қобилиятини намоён қилаётган ўқувчиларни аниқлаш, уларга бундан кейинги ривожланиши учун барча имкониятларни яратиб бериш лозим. Бунинг учун эса: бошланғич синф ўқувчиларнинг

креатив фаолиятини ривожлантиришга доир шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада:

1. Ўқувчилар креатив фаолиятини ривожлантиришга доир инновацион фаолиятга тайёрлаш.

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш.

3. Ижодий фаолиятни ривожлантиришда билишга доир инновацион технологиялардан фойдаланиш.

